

«Кифир» дейшдан эҳтиёт бўлиш | Ақийда дарслари (257-дарс)



20:23 / 11.12.2023 3906

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасининг 9-оятда:

بَيْنَهُمَا فَاصِلِحُوا أَوْ فَتَنُوا الْمُؤْمِنِينَ مِنْ طَائِفَتَانِ وَإِنْ

«Агар мўминлардан икки тоифа урушиб кетсалар, бас, ўрталарини ислоҳ қилинг», деб туриб, кейинги оятда:

أَخَوَيْكُمْ بَيْنَ فَاصِلِحُوا إِخْوَةَ الْمُؤْمِنُونَ إِنَّمَا

Яъни, калимаи шаҳодатни айтиб, ўзининг мусулмонлигини билдириб турган кишига тегмаслик, унинг жонига, молига зарар етказмаслик зарур. Зоҳирида мусулмон бўлиб кўриниб, Ислонинг зоҳирий амалларини қилаётганлар билан мусулмонча муомала қилинаверади. Кишиларнинг ички сирлари ва ҳисоб-китоблари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола!

2. «Гуноҳи туфайли уни кофирга чиқармаймиз».

Яъни «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни айтиб, зоҳирида мусулмон бўлиб кўринган одамни қилган гуноҳ иши туфайли кофирга чиқармаймиз. У кофир эмас, осий мўмин бўлади.

3. «Амали туфайли уни Ислондан чиқармаймиз».

Яъни, калимаи тавҳидни айтиб, Ислонни зоҳиридан кўрсатиб турган одамни амали туфайли Ислон дини, Ислон миллатидан чиқармаймиз. Бундай одамларга амалига яраша тайин қилинган шаръий жазо берилади. Эътиқоди бузилмаса, Ислондан чиққан ҳисобланмайди. Умумий қоида шу!

Шундай бўлганидан кейин, бировни кофирга чиқаришга зинҳор шошилмаслик керак. Модомики, Аллоҳ таолога ширк келтирмаган экан, бировни кофир дейиш осон иш эмас. Зеро, Аллоҳ таоло ширкдан бошқа гуноҳларни кечирishi мумкинлигини Ўзи айтган.

Мужтаҳид имомларимиз фарзлиги ва ҳаромлиги ҳақида ихтилоф қилган ва Қуръони Карим ҳамда Суннатда қатъий далили йўқ нарсаларни инкор қилиш куфрга олиб бормади.

Бировни кофир дейиш осон иш эмас. Чунки бу ишнинг орқасидан келиб чиқадиган ҳукмлар ҳам ўта хатарлидир.

Аввало, имом Бухорий Ибн Умар ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон киши ўз биродарига «Эй кофир», деса, икковларидан бири ана шундай бўлади», деганлар.

Яъни, ҳалиги одам кофир бўлмаса, уни кофир деган одамнинг ўзи кофир бўлади. Чунки мусулмонни кофир дейишнинг ҳукми шу. Бас, бировни кофир дейишдан олдин бу гап ўзига қайтиши мумкинлигини ўйлаб қўйиш керак бўлади.

Иккинчидан, бировни кофир деб ҳукм чиқарилса ва ўшандоқ бўлса, ортидан ўта хатарли ишлар содир бўлиши лозим.

1. У билан хотини орасидаги никоҳ бузилади.
2. Болалари унинг қарамоғидан чиқади.
3. Жамият аъзолигидан маҳрум бўлади.
4. Уни маҳкамага бериб, муртад деган ҳукм чиқарилади.
5. У ўлса, ювилмайди, кафанланмайди, жанозаси ўқилмайди, мусулмонлар қабристонига қўмилмайди ва меросдан маҳрум бўлади.
6. Ўша ҳолида ўлса, жаҳаннамий бўлади.

Шунинг учун ҳам тақводор ва мутамаккин уламолар бировни кофир дейишни ўзларига эп кўрмайдилар. Баъзилари эса аввал бу ишни қилган бўлсалар, кейин бу маънодаги фатволарини бекор қиладилар.

970 ҳижрий санада вафот этган «ал-Баҳрур Роиқ» номли китобнинг муаллифи, Ҳанафийларнинг машҳур уламоларидан бўлмиш Ибн Нажим раҳматуллоҳи алайҳи худди шундай қилганлар ва «Агар бу масалада кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни қўйиб, ўша бир далилни олиш керак», деганлар.

Баъзи вақтларда куфр ҳақидаги умумий фатвони якка шахсларга татбиқ қилиб юбориш орқали хатога йўл қўйилади. Мисол учун, «Фалон тоифага мансуб кишилар кофир бўлади» деган фатво чиққан. Бу, ўша тоифага мансуб ҳар бир киши кофир, дегани эмас. Якка шахсларга нисбатан куфр фатвосини беришдан олдин сўраб-суриштириш, аниқлаш ва унинг ўзи билан баҳс олиб бориб, бўйнига қўйиш лозим бўлади.

Бу ҳақда ақоид илми уламолари қуйидагиларни айтадилар: «Баъзи бир гап куфр бўлиши мумкин. Ўша гапни айтган кофир бўлади, деган ҳукм чиқиши мумкин. Аммо мазкур гапни айтган муайян шахсни, ҳужжат ва далил билан тасдиқланмагунча, «кофир» деб ҳукм чиқарилмайди».

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.